



XIII асрнинг бошларига келиб (1206-1215) Мўғулистонда Чингизхон ҳукмронлигида кўчманчи мўғулларнинг улкан давлати пайдо бўлди. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида хоразмшоҳлар давлати мавжуд бўлиб, ўзаро урушлар ва бошбошдоклик окибатида бу кудратли салтанат инкирозга юз тута бошлаган давр эди. Чингизхон билан Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида киска муддат (1215-1218) элчилик муносабатлари давом этган бўлишига карамай бу муносабатлар охир-окибат фожиали тугади. Харбий жихатдан пухта тайёргарлик кўрган мўғул кўшинлари хоразмшоҳлар давлатидаги иктисодий, сиёсий ва ижтимоий тушкунлик вазиятидан фойдаланиб, киска муддатда (1218-1221) Ўрта Осиё ерларини босиб оладилар.

Асрлар давомида моддий ва маънавий маданияти ривожланиб келган Ўрта Осиёда-ги кўпгина шаҳарлар- Бухоро, Самарканд, Хўжанд, Термиз, Ўтрор, Ўзган, Урганч, Кеш қабилар вайронага айлантирилди. Дехкончилик вохалари харобазорга айланди. Мўғул боскинчилари маҳаллий аҳолига ҳамда уларнинг маданиятига ҳеч бир шафкат қилмадилар. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160-1214) Ўрта Осиёдаги мўғул боскини ҳақида шундай ёзади: «...Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб, Туркистондаги Қашгар ва Баласогун қабил вилоятларни, Мовароуннахрдаги Самарканд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни... вайрон этиб, киргин қилиб, талон-торож қилиб эгаллади. Та-тарлар (мўғуллар) ҳеч қайси шаҳарни омон қолдирмадилар, кетаётиб вайрон этди-лар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар, ўзларига ёқмаган нарсаларга ўт қўйдилар».

Ўрта Осиё халқлари мўғул боскинчиларига қарши қахрамонона кураш олиб борди. Хусусан, Ўтрор ҳокими Иналхон, Бухоро мудофаачилари Ихтиёриддин Қушлу, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчихон, Хўжанд ҳокими Темур Малик, Урганч шайхи Нажмиддин Қубро, шахзода Жалолiddин қабилар Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун қон тўкиб курашдилар. Аммо улар она-юрт озодлигини сақлаб қолиша олмади. Мўғуллар истилоси окибатида Мовароуннахр ва Хуросоннинг обод вилоятлари, шаҳарлари харобазорга айлантирилди.

Зарафшон, Марв, Хоразм вохаларида сугориш тармоқлари бузиб ташланиши нати-жасида ям-яшил далалар, бог-роғлар харобазорга айланди. Бу даврда илм-фан ва маърифатга етказилган жароҳат ҳам оз бўлмади.

Боскинчилар тўс-тўполони вақтида Бухорода, Самаркандда, Урганчда бир нечта қутубхоналар ёниб қетди. Мисол учун Бухорода «Масъудия» мадрасаси ва қатта қутубхона ёниб қетди. Фақат XIII асрнинг 70-80- йилларига келиб Ўрта Осиёда

аста-секинлик билан бўлсада, шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик жонлана бошланди. Мўгул боскини даврида инкирозга юз тутган фан-адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоклари ҳам тиклана бошлайди. XIII асрда Бухорода «Масъудия» ва «Хония» мадрасалари қурилди. Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий кабилар адабиёт соҳасида ижод этдилар. Ундан ташқари Абу Умар Мирҳожиддин Жусжонийнинг «Табакоти Носирий», Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳон гушай» («Жаҳон фотиҳлари тарихи»), Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг «Жоме ат-таворих» («Тарихлар тўплами») каби тарихий асарлари яратилади.